

2020 йил "14" январ да <sup>435/16</sup> -сон билан  
рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки"  
акциядорлик жамияти томонидан  
жисмоний шахсларга чакана кредитлаш  
хизматлари кўрсатиш тартиби"га  
3-илова

Кредитнинг тўлиқ қиймати

(ракам ва сўзларда)

Автокредит бериш тўғрисида кредит шартномаси № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шаҳри. 20\_\_ йил \_\_\_\_\_.  
«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» акциядорлик  
жамиятининг \_\_\_\_\_ бўлими/филиали (кейинги ўринларда–Банк) Низом ҳамда 20\_\_ йил  
\_\_ \_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи ўз вакили –  
\_\_\_\_\_ бўлими/филиали бошқарувчиси \_\_\_\_\_ бир томондан  
ва \_\_\_\_\_ да яшовчи, \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_ \_\_ \_\_\_\_ йилда  
берилган № \_\_\_\_ паспорт маълумотларига эга \_\_\_\_\_  
(кейинги ўринларда–Қарз олувчи) иккинчи томондан ҳамда \_\_\_\_\_ да яшовчи,  
\_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_ \_\_ \_\_\_\_ йилда берилган № \_\_\_\_ паспорт  
маълумотларига эга \_\_\_\_\_ (кейинги ўринларда–Биргаликда қарз  
олувчи) учинчи томондан ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига кредит қўмитасининг \_\_\_\_ \_\_ \_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ - сонли қарорига асосан автотранспорт воситасини сотиб олиш учун кредит беради.

1.2. Бериладиган кредит суммаси \_\_\_\_\_ сўм.

1.3. Кредит мақсади \_\_\_\_\_ русумли автотранспорт воситаси сотиб олиш.

1.4. Кредит \_\_\_\_ ойдан иборат бўлган имтиёзли давр билан \_\_\_\_ ой муддатга берилади.

1.5. Кредит бўйича қарз қолдиғига йиллик \_\_\_\_ % ҳажмида фоиз ҳисобланади. Муддати ўтган асосий қарздорлик учун йиллик \_\_\_\_ % ҳажмида фоиз ҳисобланади.

1.6. Кредит \_\_\_\_\_ (аннуитет ёки кредитнинг қолдиқ суммасидан камайиб бориш усулидан бири танланади) усулида сўндириб борилади. Кредитни қайтариш ушбу шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган кредитни қайтариш жадвалига асосан амалга оширилади ва унга мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойда бир марта \_\_\_\_ - санасида амалга оширилади.

1.7. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банкка кредит қарзларини сўндириш бўйича Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини чиқариб олиш борасида ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган ва қайтариб олинмайдиган ҳуқуқ/фармойиш тақдим этади.

1.8. Ушбу шартномага асосан берилган кредит бўйича муддатида тўланмаган асосий қарз ва фоизлар тўловлари Қарз олувчининг ҳамда биргаликда Қарз олувчининг пластик карталаридаги маблағлари ҳисобидан чиқариб олиш орқали сўндирилиши мумкин.

### 2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

#### 2.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

2.1.1. Қарз олувчининг тўлов лаёқатини, кредит таъминоти етарлилигини назорат қилиш, Қарз олувчидан мажбуриятларни бажариш юзасидан керакли ҳужжатларни сўраб олиш.

2.1.2. Қарз олувчи томонидан, кредит ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомобилотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомига асосан сотиб олингандан бошлаб ўн календарь кун ичида давлат рўйхатидан ўтказилмаса ва шундан сўнг ўн календарь кун ичида кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилмаса, кечиктирилган ҳар ўн беш календарь кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдоридан жарима қўллаш.

2.1.3. Кредитнинг навбатдаги қисми ўз вақтида сўндирилмаган ҳолларда:

а) кредит (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган санадан бошлаб кредит учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз суммасидан йиллик \_\_\_\_\_ фоиз ҳажмида белгилаш;

б) Қарз олувчидан кредитни (кредит бўйича қарз қолдиғини) муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) қонунчиликка мувофиқ, кредит бўйича қарзни сўндириш учун таъминотни сотиш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш;

г) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.

2.1.4. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини, жумладан кредитдан мақсадли фойдаланилишини текшириш.

2.1.5. Қарз олувчи ва биргаликда қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни қайтаришнинг белгиланган муддатларига амал қилмаса Банк қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўради.

## 2.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Кредит шартномаси лойиҳасини банк ташқарисидан танишиб чиқиш ва маслаҳатлашиш учун олиш.

2.2.2. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин, бироқ пул маблағлари ҳақиқатда олингунга қадар кредит олишдан бирон-бир тўловларсиз воз кечиш.

2.2.3. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қуйидаги усулларда амалга ошириш:

- Банк кассасига нақд пул топшириш;
- Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.2.4. Кредит қарздорлигини Шартномада белгиланган муддатлардан аввал қисман ёки тўлиқ қайтариш.

2.2.5. Банк томонидан кредит шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

2.2.6. Суғурта компанияси ва баҳоловчини мустақил танлаш.

## 2.3. Биргаликда Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

2.3.1. Кредит шартномаси лойиҳасини банк ташқарисидан танишиб чиқиш ва маслаҳатлашиш учун олиш.

2.3.2. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қуйидаги усулларда амалга ошириш:

- Банк кассасига нақд пул топшириш;
- Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.3.3. Банк томонидан кредит шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

## 2.4. Банкнинг мажбуриятлари:

2.4.1. Қарз олувчига \_\_\_\_\_ сўм кредит бериш.

2.4.2. \_\_\_\_\_ кредит ҳисобварағи очиш.

2.4.3. Кредит ажратилгунга қадар талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағи очиб, Қарз олувчи томонидан топширилган сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 30 %дан кам бўлмаган \_\_\_\_\_ сўм ҳажмидаги пул маблағларини киритиб қўйиш ва

белгиланган тартибда автотранспорт восита сотувчи расмий дилер ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.

2.4.4. Кредит маблағини кредит ҳисобварағидан \_\_\_\_\_нинг \_\_\_\_\_ банкида очилган \_\_\_\_\_ - депозит ҳисобварағига \_\_\_\_\_ йилда тузилган \_\_\_\_\_ - сонли шартномага асосан тўловларни нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш.

2.4.5. Қарз олувчини кредит беришни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундиришга қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

### 2.5. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

2.5.1. Кредит шартномаси кучга киргунига қадар мазкур шартноманинг қайд этилган шартларга мувофиқ, кредит ҳисобидан сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 30 %дан кам бўлмаган \_\_\_\_\_ сўм пул маблағларини талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағига киритиш.

2.5.2. Кредит олингунга қадар кредит қайтарилиши таъминоти сифатида кредитнинг 125 %дан кам бўлмаган \_\_\_\_\_ сўмлик \_\_\_\_\_ (гаров таъминоти турларининг бири кўрсатилади) ни қонун ҳажжатлари талабларига мувофиқ ва Банкни қониқтирадиган шаклда расмийлаштириб тақдим этиш.

2.5.3. Кредит ажратилганидан кейин, кредитни қайтариш таъминоти сифатида амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ, кредит ҳисобидан сотиб олинган, қиймати \_\_\_\_\_ сўмлик, \_\_\_\_\_ русумли автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомобилларнинг автотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомига асосан сотиб олингандан бошлаб ўн календарь кун ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши ва шундан сўнг ўн календарь кун ичида кредит таъминоти сифатида расмийлаштирилиши шарт.

Қарз олувчи томонидан автокредит ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситасининг гаров ҳужжатлари белгиланган муддатларда расмийлаштирилиши таъминланмаса, кечиктирилган ҳар ўн беш календарь кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида жарима тўлаш.

2.5.4. Кредит бўйича асосий қарз тўлиқ қайтарилиб, фоизлари тўлангунча амалда бўладиган суғурта полиси кучга кириши учун етарли суммадаги суғурта бадалини суғурта компаниясига кредит олгунга қадар тўлаш ҳамда нотариал тасдиқланадиган гаров шартномаси харажатларини ўз ҳисобидан тўлаш.

2.5.5. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20\_\_ йил \_\_\_\_\_дан бошлаб ҳар ойда бир марта сўндириб бориш.

2.5.6. Ҳар ойда, кредитни қайтариш жадвалига асосан навбатдаги тўловларни Банкда Қарз олувчи номига очилган махсус ҳисобварақга олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунча киритиб бориш.

2.5.7. Кредитлаш даври мобайнида гаровга қўйилган мулк қиймати бозордаги шунга ўхшаш мулк нархлари пасайиши сабабли камайган ҳолларда ёхуд гаровга қўйилган мулкни сотишдан олинган маблағлар етмаган тақдирда Банкни қаноатлантирадиган шаклда кредит юзасидан етишмаётган суммада қўшимча таъминот тақдим этиш.

2.5.8. Кредит муносабатлари жараёнида кредит масалалари юзасидан зарур бўлган ҳар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш.

2.5.9. Турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши кутилаётгани, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан 3 кун ичида Банкка хабар бериш.

2.5.10. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи Банкнинг розилигисиз ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устивор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитлари ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

## 2.6. Биргаликда қарз олувчи мажбуриятлари:

2.6.1. Ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20\_\_ йил \_\_ \_\_\_\_\_дан бошлаб ҳар ойда бир марта сўндириб бориш.

2.6.2. Келгусида турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши, шунингдек ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисида кўпи билан уч кун ичида Банкка хабар бериш.

## 3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

3.2. Кредит бўйича қарздорликни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарз олувчи Банкка кечиктирилган тўловларнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

3.3. Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг шартлари бажарилиб, банк кредитни ўз вақтида ажратмаган ҳолатда Банк Қарз олувчига муддатида тўланмаган кредит суммасининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддатида тўланмаган кредит суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 4. Шартноманинг амал қилиш шартлари

4.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи кредитни ва унинг фоизларини тўлагунига қадар ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

4.2. Банк кредит бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунига қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

4.3. Мазкур Шартнома бўйича низолар пайдо бўлган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.4. Ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар ҳар икки томон имзолайдиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

### БАНК:

\_\_\_\_\_ бўлими/филиали

Манзил: \_\_\_\_\_

СТИР \_\_\_\_\_

Телефон \_\_\_\_\_

Бошқарувчи \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. ва имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. ва имзо)

м.ў.

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

(Ф.И.О. ва имзо)

### ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Манзил \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_ ,

\_\_\_\_\_ томонидан

\_\_\_\_\_ йилда берилган.

(имзо)

### БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

Ф.И.О. \_\_\_\_\_

Манзил \_\_\_\_\_

Телефон рақами \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_ ,

\_\_\_\_\_ томонидан

\_\_\_\_\_ йилда берилган.

(имзо)